

ЧИГИТЛИ ПАХТАНИ ТАШИШ ЖАРАЁНИДА УНИ ТОЗАЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ.

З.Н.Жўрақулова магистрант, О.У.Ялгашев ЁХИ ўқт, доц. Х.С.Усманов
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Ўтказилган таҳлил асосида чигитли пахтани ташиш жараёнида уни тозалаш йўналишлари ва усуллари белгиланди. Тозалувчи янги ускуналарни ўрнатиш бўйича технологик жараёнлардаги участкалар аниқланган. Ишлаб чиқилган лаборатория ускунаси синовлардан ўтмоқда.

На основании анализа выявлены направления и способы очистки хлопка-сырца при его транспортировании. Определены участки технологических процессов, где рекомендуется внедрять новые устройства очистки. Разработан лабораторный стенд, который проходит испытания.

Based on analysis, the directions and methods of raw cotton cleaning during its transportation have been identify. Areas of technological processes are defined where it is recommended to introduce new cleaning devices. Developed laboratory stand, which passes the test.

Пахтани ифлос аралашмалардан самарали тозалаш технологиясини яратиш, юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган тола ишлаб чиқариш ва унинг харидорлигини ошириш, пахтани қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш, ресурс ва энергиятежамкор ускуналарни яратиш тармоқ мутасаддиларини амалга оширадиган доимий вазифалари сирасига киради.


Пахтани дастлабки ишлаш корхоналарида чигитли пахта очик майдончага ғарам қилиниб ва усти берк омборларга жойланади [1]. Томида (бинода) очиладиган тешиги бўлган омборларга юклашда транспортёрлар омборнинг ташқи томонидан ўрнатилади.

Пахтани ғарам майдончаларига тарқатишда қўл меҳнатининг миқдорини камайтириш мақсадида икки ХПП ва КЛП-650 мажмуаларидан омборларда эса уч, тўрт мажмуалардан ташкил топган транспорт воситаларидан фойдаланилади [2].

Мавжуд тасмали конвейерни камчиликларидан бири, бу чигитли пахтани узатиш жараёнида уни пассив холатда ҳаракатланиши ҳамда ўзи билан чигитли пахта таркибидаги ифлосликларни ҳам ғарамга узатилишидир.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида, тасмали конвейерни тасмасининг ўрнига 10 мм ли тўрли юза ўрнатилса ва тасмага ҳаракат жараёнида силтаниш имконияти яратилса тасмали транспортёрини қисман тозалагич сифатида ҳам ишлатса бўлади. Ажратилган ифлосликлар тасмани тагида жойлашган ифлос йўналтиргич лотоги орқали пастки қисмда ўрнатилган ифлослик сиғимга йиғилади.


ТТЕСИ “Табиий толаларни дастлаки ишлаш технологиси” кафедрасининг ўқув-илмий лабораториясида ушбу ишланманинг лаборатория усакунаси яратилди (4,5 расмлар).




1-расм. Такимилаштирилган тасмали конвейер схемаси.

1. Конвейернинг узатувчи қисми; 2. Узатувчи сеткали тасма. 3. Чўзувчи узатма; 4. Пахта бункери; 5. Кўтарувчи механизм; 6. Бошқарув шкафи; 7. Тележка (аравача); 8. Ифлослик лотоги; 9. Ифлослик сизими.

В - ён қўриғиши



С - устидан қўриғиши



2-расм. В-қўриғи қўриғиши
1. Асос, 2. Тўрли узатма, 3. Қозиқчали барабан, 4. Корпус, 5. Лоток.



3-расм. С-қўриғи қўриғиши
1. Асос, 2. Резина қоплома, 3. Тўрли узатма, 4. Қотирма



4-расм. Лаборатория ускунасининг кўриниши



5-расм. Лаборатория ускунаси иш вақтида

Ушбу йуналишдаги хорижий аналоглар ўрганилганда уларда пахтани юклаш, сақлаш ва ғарамлаш тизимлари фарқланиши сабабли хорижий тажриба намунаси билан таққослаш муаллифлар томонидан ўтказилмади [3]

Ишланма юзасидан Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан 27.11.2017 йилдаги FAP 20170132 ракамли талабнома кўриб чиқишга қабул қилинганлиги тўғрисида қарор эълон қилинган [4].

Иқтисодий самарадорлик тасмали конвейердан тозалагич сифатида ишлатилиши ҳамда чигитли пахтани қисман узатиш жараёнида тозаланиш эвазига ҳосил қилинади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-49-47–сонли Фармони. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси www.Lex.uz.

2. **Омонов Ф.** “Пахтани дастлабки ишлаш справочниги” Тошкент-2008 й. Б.32-40.

3. **Anthony W.S., William D.Mayfield.** Cotton ginning handbook. United States Department of Agriculture. Desember 1994.

4. **Х.С.Усманов ва бошқалар.** FAP 20170132 2017 йил 27 ноябрь Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги талабномаси.